



ECOLOGICAL AND ETHICAL CULTURE IS A CONDITION OF HARMONY OF NATURE AND SOCIETY

Abdurakhmanova M. A.

Tashkent State Technical University

abdurakhmanova1964@gmail.com +998909640501

Abstract

The article examines the issues of ethical norms, which reflect the problems and relationships between man and nature. And also there is a speech using information about the spiritual space in ensuring the relationship with nature and society, especially the adoption of factors in the development of moral culture, including the protection of human safety and health.

Keywords: society, ethics, consequences, protection, factor, interrelation, method, person, safety

Аннотация

Мақолада ахлоқ нормалари мазмун-моҳиятига кўра табиатга нисбатан қадриятли муносабатни шаклланишига ва ижтимоий-ахлоқий нормаларнинг қарор топишига хизмат қилиши муҳимлиги акс этган. Шу ўринда табиат ва жамиятнинг уйғун ривожланишини таъминлашда маънавий омилига, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутган ахлоқий маданиятни тарғиб қилиш усуллари ҳақида маълумотлар берилди.

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы этических норм, в которых отражена проблемы и взаимосвязи между человеком и природы. А также идёт речь с использованием информации о духовном деятельности в обеспечении взаимосвязи с природой и обществом, особенно принятие методы и факторы при развитие нравственной культуры, в том числе защита безопасности и здоровья человека.

Калит сўзлар: жамият, ахлоқ, оқибат, муҳофаза, омил, уйғунлик, метод, инсон, хавфсизлик

Ключевые слова: общество, этика, последствия, защита, фактор, взаимосвяз, метод, человек, безопасность



Кириш: XXI аср жаҳон тарихида инсоният ҳаёти ва унинг тараққиётини янги йўналишларини очиб берадиган давр сифатида эътироф этилмоқда. Ҳар бир давр ўзига хос имкониятлари билан бирга муаммоларни ҳам дунёга келтирадики, бу бевосита инсониятни ўйлашга, ўз истиқболини белгилашга даъват этади. Ўз навбатида ҳозирги кунларимизга келиб табиат ва жамиятда кечаётган узлуксиз жараёнлар инсон эҳтиёжлари билан боғлиқ илмий муаммо сифатида ўрганиб чиқишни талаб этмоқда. Маълумки, қадимдан инсоният табиат неъматларини ўз инсонийлигини сақлаб келишнинг бирламчи манбаи сифатида ўзлаштириб келади.

Табиат – кенг маънода бутун борлиқ олам ва унинг хилма-хил шакллари; тор маънода кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш манбаи бўлган атроф табиий муҳит. Инсон ўзининг ҳаёти давомида бутун борлиқдан эмас, балки уни ўраб турувчи ва унинг таъсири доирасида турган табиий муҳитдан фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотлар методологияси таҳлили. Инсон ва жамият тараққиётида табиий омиллар ўзига хос базис вазифасини ўтайди. Бу борада рус файласуфи В.П. Петров “Инсоният жамияти тараққиётининг асосий йўналишлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари” номли асарида келтириб ўтган гипотезаларга мурожаат қиламиз. “Инсон, - деб ёзади В. П. Петров, - табиатнинг қуйидан юқорига чексиз ривожланиш жараёнида юзага келган объектив бошқарув маҳсулидир... Табиат томонидан қўл(панжа)ни эслатувчи органнинг яратилиши инсоннинг пайдо бўлишига олиб келди... Бироқ панжанининг пайдо бўлиши приматнинг бирданига инсонлашишига олиб келмади... Сайёра тарихи ҳайвонларнинг яшаш тарзини ўзгартириб юборган бир неча экологик даврлар(музлик даври)ни бошдан кечирган. Бундай даврлар “уйғотиш” ролини ўйнаган. Бу давр приматларнинг яшаш муҳити бўлган ўрмонларнинг йўқолиши ва камайишига олиб келиб, янада қийин шароитларни келтириб чиқарган... Бир қисм приматлар янги шароитга кўникишга эришган. Бунда текисликда яшаш тарзига ўтиш тананинг вертикал ҳолатга ўтишига туртки берган. Яъни оёқда юришга мослашган ва бу ўз навбатида қўл ёрдамида турли қуролларни ишлатиш имконини берган. Мевалар каби озиқ-овқатларнинг камайиб кетиши, оилага ғамхўрлик қилиш илинжида ов қилиб озуқа топишга мажбур қилган. Бунинг учун ўз навбатида қуроллар керак эди. Жамоада ҳаракатни координация қилишга бўлган зарурият нутқнинг пайдо бўлишига олиб келди”[1]. Олимнинг гипотезаси приматларнинг инсонга



айланишида табиий омилларнинг асосий куч сифатида кўрсатишга асосланади. Инсоният тараққиёти жадаллик билан ривожланган, илмий-техник кашфиётлар даври бўлган XIX асрларга келиб табиатни ўзлаштиришда бир ёқлама ёндашувнинг хато эканлиги исботини топа бошлади.

Инсон ўзининг табиатга кўрсатаётган салбий таъсирининг оқибатларини сезгач ва билгач, табиатдан оқилона, режали, тежаб-тергаб фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш зарурлиги ҳақида ўйлай бошлади.

Асосий қисм. "Табиатни муҳофаза қилиш" термини дастлаб 1913 йил биринчи халқаро табиатни муҳофаза қилиш бўйича Швецарияда ўтказилган съезддан сўнг кенг тарқалди. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш муаммолари кескинлашиб, ўта зиддиятли тус олган ҳозирги даврда табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни мувозанатга келтириш асосий вазифалардан ҳисобланади. Бироқ ана шу тараққиёт ва тинч-тотув яшаш, эзгу мақсадларини руёбга чиқариш қатор муаммоларни ҳал этишни, мавжуд зиддиятларни, қарама-қаршиликларни енгишни тақозо қилмоқда. Инсон пайдо бўлибдики, у ҳамиша турли кўринишдаги табиат ҳодисалари билан ёнма-ён яшаб келмоқда. Табиат ато этган нарсалар билан тирикчилик қилган инсон, уни ўзлаштиришга, керак бўлса ундан тортиб олишгача етиб борди. Ҳатто уни ўз измига бўйсундиришга ҳам урина бошлади[2]. Қадриятлар - жамият ва шахс маданий ривожланишини тартибга солувчи муҳим омиллардир. Шунинг учун ҳам бу масала файласуфлар, социологлар, антропологлар ва психологлар томонидан диққат билан ўрганиб келинади. Қадрият тушунчасисиз маданиятшунослик ўз вазифасини бажара олмайди. Ёхуд қадрият инсонни фаолиятга ундовчи ҳодисадир. Питрим Сорокин фикрича, ҳар қандай маданиятнинг асоси. Аксиология фани маданиятни қадриятлар тизими, уларнинг сифат кўркини ифодаси деб шарҳлайди[3].

Яқин кишиларига муҳаббат ҳисси ҳар кимга ҳам ато этмаган, бундай туйғуни тарбиялаш жуда мураккаб ва сердиққат вазифа, шунингдек табиатга муҳаббатни тарбиялаш ўз-ўзига нисбатан муносабатни билдиради, инсон экологик ахлоқи ва маданиятининг моҳияти ҳам ана шунда[4].

Агарда биз ахлоқий маданият тушунчасини изоҳлайдиган бўлсак, у ҳолда маданиятда эзгулик, ёвузлик, адолат, адолатсизлик ва ҳоказолар тўғрисидаги меъёрлар муҳрланади. Бу тасаввурлар, меъёрлар одамларнинг хатти-ҳаракатларини моҳиятини билдиради ва бошқаради, ижтимоий воқеаларни тавсифлайди. Индивид ахлоқий қарашлар ва қоидаларни ўзлаштирар экан, уларни ахлоқий фазилат ва эътиқодга айлантира боради.



Дарҳақиқат, инсонлар ўзаро муносабатларида қанчалик ахлоқ меъёрларига амал қилса табиатга ҳам шундай ахлоқий муносабатда бўлиши зарурдир. Табиатга, атроф муҳитга ахлоқий муносабатда бўлиш, ҳар бир инсон ижтимоий ҳаёти ва фаолиятининг асосий тамойили, белгиловчи қоидаси бўлиши керак. Ахлоқий маданият таълим тарбия, кундалик ҳаёт кечириш, турмуш тарзи, ўзаро алоқалар жараёнида шаклланади. Шунингдек, инсоннинг экологик маърифатидаги ахлоқийлик унинг табиатга муносабатида яққол кўриниб, табиат, жамият олдидаги бурч ва жавобгарликни жиддий масала қилиб қўяди. Бу табиатдан тўғри фойдаланишнинг муҳим ахлоқий омили, ҳар бир шахснинг экологик онги, ахлоқи ва маданияти шаклланишининг ҳамда яратувчилик фаолиятининг муҳим шартидир.

Бу тўғрида Т. Мирзаев шундай деб ёзган эди: “Табиат инсон ҳаёти ва фаолиятининг доимий, абадий ва зарурий шартидир” [5].

Инсоннинг экологик маънавий-ахлоқий масъулияти унинг атрофдаги табиий муҳитда қанчалик ахлоқий фаолият кўрсатяпти-ю қандай феъл-атворга асосланаяпти, у табиат умуммиллий ижтимоий бойлик эканлигини англайдими, ўзини табиатга бўлган муносабатини инсонийлик тамойиллари асосида бошқара оладими, деган масалаларга келиб тақалади. Юқоридаги муаммоларнинг ечими инсонда экологик ахлоқий маданиятни шакллантириш мезони ҳисобланади.

Инсоннинг табиатга ахлоқий муносабати унинг кундалик фаолиятида аниқланади. Айни пайтда ҳар бир шахснинг ахлоқий-экологик фаолияти жамиятнинг мақсад ва вазифалари воситасида белгиланади. Шу ерда экологик ахлоқ нормаларининг илмий-методологик конценциясини ишлаб чиқиш ва ундан амалиётда фойдаланиш зарурияти келиб чиқади. Демак, экологик ахлоқ нормалари муайян илмий-методологик тизимга асосланиши керак, бу ҳол табиатга нисбатан қадриятли муносабатни шаклланишига ва ижтимоий-ахлоқий нормаларнинг қарор топишига хизмат қилади. Этика фанига доир классик адабиётларда одамларнинг ўзаро муносабатларида юз бераётган хатти-харакатлар назарда тутилади. Қисқартириб айтилган бу тушунчани, кенгайтирилган ҳолда қаралса одамни табиатга бўлган муносабати, хатти-харакати ҳам ахлоқийлик, ахлоқий экологик маданият билан бевосита боғлиқлигини кўраимиз.

Экологик ахлоқий маданиятнинг методологик асосларини тадқиқ этиш зарурияти инсон ва жамиятнинг ижтимоий вазифасидан келиб чиқади. Инсон ва жамият атроф-муҳитни, умуман табиий ва ижтимоий бойликларни сақлаш ва ҳимоя этишга масъулдир. Бунга фақат кишиларнинг экологик ахлоқи ва



маданиятини тарбиялаш воситасидагина эришиш мумкин. Одамнинг экологик ахлоқий маданиятини тарбиялаш жамият ривожланишини, табиатдан оқилона фойдаланишни таъминловчи энг муҳим омил, бу мавжуд экологик муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим йўналишини ташкил этади. Шунинг учун ҳам экологик ахлоқ ва маданиятни тарбиялаш масаласи инсоният бошига, жумладан Ўзбекистон аҳолиси ҳаётига таҳдид солувчи муаммоларни ҳал этишнинг муҳим йўлларида бири бўлиб турибди.

Шундай қилиб, “табиат-жамият-инсон” муносабатларини бошқаришда миллий ва умуминсоний экологик ахлоқий қадриятларнинг интеграциялашуви ва глобаллашуви ҳозирги даврда барқарор экологик ривожланишининг объектив қонунияти бўлиб, унинг тарихий тенденциясини ҳамда цивилизация истиқболини белгиловчи устувор омилга айланмоқда. Бироқ, бу жараённинг объективлиги субъектив омилларни истисно қилмайди, аксинча умуминсоний экологик ахлоқий нормалар табиатни муҳофаза қилишнинг зарурий шартидир: биринчидан, табиат ва жамият уйғун муносабатлари комплекс-системали жараён бўлиб, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, руҳий компонентларнинг табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш мақсади доирасида функционал боғланишларини тақозо қилади;

иккинчидан, табиат ва жамият уйғун муносабатлари демократик характерни, гуманистик моҳиятни намоён қилади ва барқарор экологик тараққиётнинг омили ҳисобланади;

учинчидан, табиат ва жамият уйғун ривожланиши маънавий-ахлоқий нормаларининг универсаллашуви ва глобаллашуви экологик ривожланишининг умумий қонуниятидир;

тўртинчидан, экологик фаолиятни ахлоқ нормалари мувофиқ самарадорлиги жамият аъзоларининг маънавий-маданий савияси даражасига боғлиқ бўлади;

бешинчидан, экологик муносабатларнинг глобаллашуви, унинг барқарор тараққиёти истиқболини белгилайдиган умуминсоний универсал ахлоқий нормаларини, норматив баҳолаш мезонларини тақозо қилмоқда;

олтинчидан, ҳар қандай тарихий даврда экологик муносабатларни бошқаришнинг назарий-методологик асослари “табиат-жамият-инсон” муносабатларини уйғунлаштириш заруриятига кўра ривожланиб боради;

еттинчидан, табиат ва жамият уйғун унинг объекти ва субъектлари ўртасидаги ахборот алмашинувини рационал ташкил қилишга боғлиқдир[4].

Замонамизга келиб табиат ва жамият ўртасидаги мувозанатни сақлаб қолиш, инсоният ҳаёти давомийлигини таъминлаш муаммосини ҳар галгидан ҳам кескин



ва долзарб қилиб қўймоқда. Бошқача қилиб айтганда, инсон олдида кишилик жамияти табиий-тарихий тараққиёти орқали тикланиб бўлмайдиган глобал муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Барча халқлар, миллатлар, давлатлар қандай тузум, режим ва ижтимоий тизимда яшаётган бўлмасин, ҳар бир инсоннинг индивид сифатидаги ижтимоий моҳияти тобора чуқурлашиб бормоқда ва айна ана шу ижтимоий моҳият ижтимоий тараққиётни, юксак маданий-маърифий баркамолликни, аниқроғи табиат ва жамият уйғунлигини англашни тақозо этмоқда.

Дунёда юз бераётган турли тусдаги фавкулудда вазиятлар сони ва улар келтириб чиқараётган иқтисодий зарарларнинг ортиб бораётганига асосан инсоннинг ўзи сабабчи булаётгани ҳаммага маълум. Бироқ, инсон ортиб бораётган эҳтиёжини қондириш йўлидан бормоқда. Бу эса асосан табиат ва унинг неъматларини аёвсиз ўзлаштира бориши эвазига юз бермоқда. Ер ости ва усти бойликларини тинимсиз ўзлаштириш худди шу эҳтиёжни қондиришга йўналтирилганлиги ҳозирги кунда ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Хулоса: Бугун дунё табиатининг ниҳоятда ўзгариб кетаётганлиги кишилик оламини хавф остига олиб келмоқда. Булар ўз навбатида сайёрамизда иқлимнинг ўзгариши, ўрмонларнинг кесилиши, ҳайвон ва ўсимликларнинг йўқолиши ва бошқа экологик муаммолар кўринишида пайдо бўлмоқда. Экология ҳақида гап кетганда, Биринчи Президент И.А. Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида айтилган фикрларга эътибор бермоқ лозим. Унда “Миллий хавфсизликка қарши яширин таҳдидларни кўриб чиқар эканмиз, экологик хавфсизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси алоҳида эътиборга моликдир... Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Бунини сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш, ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир”[6], - деган эди.

Бугун инсоният янги бир қобиқ яратди. У “техносфера” деб, номланади. Бу эса инсон юкини енгил қилиш билан бирга ўзига хос мураккабликлар келтириб чиқармоқдаки, уни оқибатларидан қутулишнинг ўзи янгидан - янги муаммолар гирдобини пайдо қилмоқда.

Техноген, табиий ва экологик тусдаги офатлар, ҳалокатлар ҳамда фожиалар бўй чўзган маҳалда, инсоннинг ҳар соҳада билиб-билмай ортиб бораётган таъсири остида ердаги геологик, географик жараёнлар, коинотдаги ҳаракатлар кучайган вақтда яшамоқдамиз.



Ўзбекистонни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, табиат ва жамиятнинг уйғун ривожланишини таъминлашда маънавият омилига, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутмоқда, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Қўлланилган адабиётлар.

- 1) Петров В. П. Движущие силы и основные пути развитие человеческого общество. –Москва, Геодезия. 2000, – С. 12.
- 2) Фавқулудда вазиятлар: табиат ва жамият уйғунлиги тарихидан (мутаносиблик ва мувофиқлик муаммолари) мавзусидаги Олий ўқув юртлариаро анжуман материаллари, –Т., 2014 й. – Б. 3
- 3) Расулева Г. С позиций социобиологии//Экологический вестник. - 1999. - № 5-6. – С. 31-33.
- 4) Ўринбоева М. С. Табиатга экологик муносабатларнинг маънавий-ахлоқий тамойиллари ва мезонлари// "Science and Education" Scientific Journal Volume 1 Issue 2 May 2020 590 www.openscience.uz
- 5) Мирзаев Т., Ғофуров З. Табиатни эъзозлаш – умумбашарий муаммо. – Тошкент., Янги аср авлоди, 2001. – Б. 102.
- 6) Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” – Т., Ўзбекистон, 1997. – Б. 15